



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 2 (9498).

1989 йил 3 январь • сешанба • Баҳоси 3 тийин.

ЯНГИ ЙИЛНИНГ ЯНГИ МЕҲНАТ ҲАФТАСИ

**ҚЎШИМЧАСИ
2 МИЛЛИОН
100 МИНГ СЎМ**

«УЧҚУН» тўқимачилик-галатерия ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективини ўтган ҳужалик йилини меҳнатда яхши кўрсаткич билан якунлади. Пилдигига қўшимча реализация қилинган маҳсулот миқдори 2 миллион 100 минг сўмликни ташкил этди. Бундай катта муваффақиятга ҳужалик юртининг янги шароитлари ишлаш, прогрессив технология ва илгор иш усулларини қўллаш, ишчи-хизматчиларнинг ўз меҳнати натижасидан манфаатдорлигини ошириш ҳисобига эришилди.

Корхонада «Янгилик» индекс билан тайёрланган маҳсулот ҳажми деярли 3,5 миллион сўмликни ташкил этди. Қўшимча олинган соф фойда миқдори 200 минг сўмликка яқинлашиб қолди. Бунда илгор ишчилардан А. Аҳадов, Л. Исаева, Ф. Раҳимова, З. Абдуллаева, Д. Эргашева ва бошқаларнинг ҳиссаси катта бўлди. Уларнинг ҳар сменадан ўртача иш кўрсаткичлари 120 процентга етмоқда.

С. СУЛТОНОВ.

«ЎРТОҚ» ШИРИЛИКЛАРИ

«ЎРТОҚ» кондитер фабрикаси коллектив маҳсулот реализация қилиш йиллик планини муддатидан илгари 27 декабрда тўла бажарди. Бундай меҳнат муваффақиятига ишлаб чиқариш жараёнидаги таъминлаштириш, илгор иш усулларини қўлланиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва бошқа шундай омиллар ҳисобига эришилди.

Йил давомида 23,5 минг тонна турли хил ширинликлар меҳнаткашлар дастурхонига тортиқ қилинди. Янги йил байрами арафасида ҳам қандолатчилар фидокорона меҳнат қилиб, ҳар кун ўнлаб тонна турли-туман ширинликларини ишлаб чиқардилар. Йил охиригача қами билан 450 тонна кондитер маҳсулотлари тайёрлаб бердилар.

ЯНГИ МАРШРУТЛАР

ОБЛАСТЬ пассажирлар ташвиш автомобиль ишлаб чиқариш трести коллективини 1988 йилда бир қанча янги маршрутлар очди. У йўловчиларнинг узогини яқин қилишга ёрдам бермоқда. Бу иш ўн иккинчи беш йилликнинг тўртинчи йилда ҳам давом эттирилди. Трест раҳбарлиги қатор янги автобус қатновларини йўлга қўйишни режалаштирди. Бу ҳақда трест бошлиғи Садриддин Мухаммаднов шундай деди:

«Аҳолига кўрсатилаётган транспорт хизматини қўнқарили деяр оймаймиз. Бу соҳада ҳали жуда кўп камчиликлар бор. Шунинг ҳисобига олиб ҳамда йўловчиларнинг талаб-оҳтижларига мувофиқ қатор янги маршрутлар очилиши лозим. Янги йилнинг дастлабки кунларидан «Тўй-тепа — Галлақудуқ — Қўй-тепа — Бургўлиқ» Писент оралиғида автобуслар қатнов қилинади. Бундан ташқари Оққўрғон — Жиззах — Самарканд, Оққўрғон — Хонобод, Ангрэн — Увек маршрутлари очилди. Чорвоқ билан дам олиш зонаси ҳисобланган Чимён ўрта-суда ҳам автобус қатнови йўлга қўйилди. Ўйлаймикин, бу тадбирлар йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатишни муайян даражада яхшилашга хизмат қилди.

М. УСМОНОВ.



Матлуба Хақназарова «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг вақтдан ўзиб ишлаётган чеварларидан. У ўн иккинчи беш йилликнинг ушбу тўртинчи йилини ҳам меҳнатда муносиб ютуқлар билан кўтиб олди. СўРАТ-ДА: М. Хақназарова иш устида.

М. Назаров фотоси.

• Шартнома қонуний кучга айланганга •

ЎЗИНИ ОҚЛАЙДИ

ОБЛАСТЬ автокорхоналари шу йилдан ҳужалик ҳисоби ва ўзини-ўзи маб-ула билан таъминлашга ўтади. Улар орасида Писент районидаги 82 автокорхона ҳам бор. Коллективда ҳужалик юртининг янги усул-ларига ўтиш учун катта тайёргарлик қўрилди. Юк ташин ҳажмини оширишнинг самарали усуллари иш-га солинди. Мажбуриятлар буюртмачи билан тузилган шартномалар асосида ба-жарила бошланди. Меҳнат коллективи ана шу кўрсаткич юз процент адо этил-гандагина моддий рағбат-лантириладиган бўлди. Кол-лектив аъзолари бундан манфаат кўра бошлашга ян-ги усулнинг нақадар одил-лигини тушуниб етдилар. Ахир иш ҳам бажарилапти, меҳнат ҳақи ҳам тилга ол-са арзигулик бўлиб қолди.

Эндиликда юк ташин планлари ҳам юқоридан — министрликдан туширилмай автокорхонанинг ўзида бел-гиланапти. Шунинг учун ҳам бу йилги бажарила-дан ишлар шартномалари ўтган йилнинг кўзидаёқ ту-зиб қўйилган эди. Аниқ планлар белгилаб бўли-гач, бу ишларни бажариш учун ҳар бир объектда за-рур бўлган машиналар, при-цеплар миқдори аниқланди. Уларнинг смена-суткалик вазибалари белгиланди. Иш вақтларини ташкил этиш-да буюртмачи ташкилот-ларнинг талаблари иноба-га олинди.

Бугунги кунда 82-авто-корхона турли министрлик-ларга қарашли йигирмадан ортқ ташкилотга хизмат кўрсатади. Ўтган 1988 йил-да улардан тушган буюрт-малар юз процент бажари-лди. Ҳар бир километр ҳис-обига юк ташин ҳажмини ошириш натижасида фойда олиш плани ҳам ортиги би-лан адо этилди.

Корхона хайдовчилари та-шйётган юклар ҳажмининг ярмидан кўпроги «Среда-дорстрой» трестининг 851-

қурилиш бошқармасига тў-ғри келади. Бошқарма об-ектида ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланилмоқда. Ишдан сўнг машиналар объектда қолдирилади. Ҳай-довчилар эса махсус авто-бусда уйларига қайтишади. Бу биринчидан меҳнат ин-тизомини мустаҳкамлайди. Иккинчидан қўллаб миқдор-да ёниги тежаб қолинади.

— Кўп йиллардан бери қурилишда ишлайман, — дейди бошқарма катта про-раби Ю. Ротаненко. — Домо-автотранспортчилар билан мулоқотда бўлганман. Улар билан асосан автомашина-ларнинг ишга чиқиш гра-фиклари туфайли тортишар-дик. Ҳозир эса аниқ бел-гиланган вақт асосида, узи-лишларсиз ишлаймиз. Уларга эътирозимиз йўқ. Ишнинг қандай бориши кўп жиҳатдан бизга ҳам боғлиқ. Биз юк ортқиш механиз-ларнинг узлуксиз ишлаши-ни, машиналар қарберда кўп туриб қолмаслигини таъминлаб қўйишимиз ло-зим. Қўзланган мақсадга эриша оламиз. Объект қу-рилиши пландан ортқа қол-май давом этмоқда. Бундай иш шароитларида ҳужалик ҳисоби албатта ўзини оқ-лайди.

В. МОЛОТКОВ.

БАРВАҚТ УДДАЛАНДИ

ЭКСКАВАТОР ремонт-и таъриб-механика заводи республикамиз пойтахтининг пешқадам корхоналаридан ҳисобланади. Унинг кўп мил-лион интернационал коллек-тивининг асосий қисми ҳис-обига эришилди. Экскава-торлар, бульдозерлар, тран-спортер, дизель двигателлари-ни қайта тиклаш ишлари белгиланган ҳажмидан ан-ча ортқ бўлди. Айни вақтда қўллаб вагон уйлар тайёрланди. Ўтган йил даво-мида жами ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми йигирма беш миллион сўм атрофида бўлди.

М. МАҲМУДОВ.

«СССР 50 йилгига номи-даги Тошкент трактор за-води» ишлаб чиқариш бирла-шмасида қирқдан ортқ тур-да кенг истеъмол бўлмақ-да тайёрланди. Уларнинг ўз вақтида савдо тармоқла-рига етказиб берилишида

Г. Ломанов етакчилигида-ги йигирма бригадаси-нинг ҳиссаси катта бўлмоқ-да. СўРАТДА: илгор бри-гада бошлиғи Г. Ломанов (ўртада) Р. Ресметов, Б. Во-боназаровлар билан.

Р. Шарипов фотоси.

Эришилган муваффақият-ларга салмоқли ҳисса қў-шган Раффор Худойбергенов, Насиба Долимова, Мушар-Абдураимова, Хадича — Оди-лова сингари илгор деҳқон-ларининг номларини ало-ҳида тилга олиб ўтиш керак. Хуллас, 1989 йили кўта-ринки руҳ, яхши кайфият билан бошлангиз. Ўйла-манки, янги йил ҳам қутли, баракали бўлсин.

Ш. НУРИДДИНОВ.
Калинин районидаги «Қо-расу» совхозини бригадаси бошлаган.

БАРАКАЛИ БЎЛАДИ

ДЕҲҚОНЧИЛИК ҳис-об-китоби яхши кўра-ди. Ҳар йил ишлаб чиқаришнинг, ишлар бий берилди. Бун-дан аниқлаб бориш керак. Мана, бугун — яна бир ҳужалик йилга якун асалган кунда ўтган йил натижаларига раам солаёмиз. Ўқиман биз ўз олдимиқига қўйилган вазибаларни бажаришга муваффақ бўлдик. Сов-хозда ташкил этилган бригадалар ўртасидаги мусобақада ғолиб чиқ-дик. Районда биринчи-

лар қатори йиллик план ва мажбуриятла-рининг бажариш-да. 31 гектар ерда деҳқончи-лик қилиб давлатла пландаги 712 тонна ўрнига 888 тонна сабазот, 120 тонна ўрнига 147 тонна картошка топши-рилди. Бригаданида аниқ-са қарам, бодиринг, саёзи, бақланон ва картошка эки-ларидан мўл ҳосил етишти-рилди.

1988 йилда деҳқончи-лик таърибаларини қўллаш соҳа-сида бошланган ишларни да-вом эттирдик. Масалан, по-литилан плёнкадан фой-даланиб, эртаги ҳосил етиш-тириш устида тинмай излан-гилмиз. Бодиринг уруғини бар-вақт махсус идишда ундириб, сўнг далага экиш туфайли ҳосилини ўтган йилларга нис-батан 20 кун илгари пиши-

ришга муваффақ бўлдик. Хуллас, эртаги сотилган сабазот ҳисобига мўмай даромад қилимиз. Агар биз йил давомида план бўйича 184,6 минг сўмлик маҳсулот сотишимиз лозим бўлса, амалда 260 минг сўмлик сабазот ва картошка маҳ-сулотлари топширилди. Шун-га яраша меҳнаткашларимиз-нинг моддий манфаатдорлиги ҳам икки баравар ошди.

• СОВХОЗДА БИРИНЧИ

ОРЖОНИКИДЗЕ районида-ги «ВЛКСМ 60 йилгига» сов-хозини ишчиси Исом Тиллабо-ев кўпчилик ҳамқишлоқла-ри учун кутилмаганда ижа-рага 3 гектар ер олди, ҳужа-ликда биринчи бўлиб совхоз билан тузилган ижара шарт-номасига қўл қўйди.

— Нима учун ижарага ер оладиган бўлдингиз, — де-ган саволимизга, у «тасоди-фан», деб жавоб берди.

— Область агрохознаи бир-лашмасининг катта иқтисод-чиси совхозимизга келганда балки кекса коммунист бўл-ганим учунми, балки бошқа сабабми, мени йўқлаб қол-шинди. Маслаҳатлашдик, ўйлаб кўрсам, ўзимизга анча фой-даси бор экан. Шундай қилиб, уч гектар ер олишга қатъ-ий қарор қилдим. Беш йилга шартнома туздик. Янгиликни кимдир бошлаши ҳам керак-да, ахир.

— Ижаранинг шартлари қандай бўлди?

— Борди-ю шартлар тўлиқ бажарилмаса-чи!

— Мумкин. Лекин мен шу пайтгача пудратда ишлаб топ-ширишни 1,5—2 ҳисса қилиб бажариб келаялман. Ҳозирда-ноқ ҳамма тайёргарлигимиз-ни кўриб қўйдик. Ерга 150 тонна гўнг солидик, илгари

тонна ўртаги қарам, 13 тон-на картошка, 12 тонна помидор, бодиринг беришимиз ке-рек. Совхоз қарам ва по-мидорни биздан 12 тийиндан, картошкани 21 тийиндан, бо-диринг эса 14 тийиндан со-тиб олади. Тахминан 10 минг сўм атрофида соф даромад

қилишса бўлган. Бемалол 1,5 планни берса бўлади. Ле-кин ижара пудрати бизни-кига ўхшаш қоқоқ ҳужа-ликларни тиклаш учун жуда яхши восита деб ўйлайман. Қани энди шу ерда яшовчи-ларнинг ҳаммаси бир ёки бир ярим гектардан ер

олишса, турмуш ҳам яхши, совхоз ҳам миллионер бўлиб кетарди.

— Ижара усулида бирор етимишчилик ёки назарга тушмаган томонлар йўқми?

— Умуман яхши. Лекин мен бир нарсасга тушуна ол-маялман. Совхоз ҳамма ҳу-сулотга у эртагини, ўртагини, кечкини бир хил нарх-ка кўйган. Мен, масалан, кай-ди эртароқ, кимтароқ пайтда етиштиришим мумкин-ку! Нарх эса 12 тийин қилиб белгилан-

ган. Агар шундай бўлса, мен ҳосилини эртароқ чиқаришдан манфаатдор бўлмайман-ку. Менимча, мана шу масала-ларни яхшилаб ўйлаб, ҳар бир мавсумда етиштирилган ҳосилга алоҳида нарх бел-гилаш керак.

— Охирги савол: Исом ака, нега бошқа ҳамқишлоқ-ларингиз ижарага ер олиш-маяпти?

— Улар қани сизни иш на-тижаларингизни бир кўрай-лик, дейишяпти. Тўғриси, кўп-чилик ҳали бундан бирон иш чиқишига ишонамаяпти. Менимча, ҳалққа ижаранинг моҳиятини чуқурроқ тушу-нириш керак. Бу усул ав-вал деҳқоннинг, кейин дав-латнинг фойдасини ўйлаб қилинганлигини, унинг шартларини, олинмаган фой-дани, маҳсулотга қўйилган нархнинг аниқ қилиб ай-тиш керак. Ана шунда одам-лар ижарага боришади. Қани бу йил ҳарвақт қилиб қў-рай-чи, келаси йилга ҳақи-қатан ҳам менинг натижа-ларимни кўриб совхозимизда ижарачилар сафи кенгайиб қолса ажаб эмас.

Х. РУСТАМОВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида

Ўзбекистон Компартияси Марказий Ко-митетининг бюроси Марказий Комитет-нинг XI пленуми топишрига бинови, Ўз-бекистон Компартияси Марказий Коми-тетининг республика аҳолисини 1989—1995 йилларда озик-овқат билан таъминлашни яхшилаш юзасидан қўшимча равишда иш-лаб чиқилган тадбирларини муҳокама қил-ди.

Боро қарориди Ўзбекистон Компартия-си Марказий Комитетининг агрохознаи комплекс масалалари комиссиясидан тас-

диқланган тадбирлар бажарилишини на-зорат қилиб туриш, унинг қандай амалга оширилатганини мунозам муҳокама этиб бориш илтимос қилинди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советига Озик-овқат программасини ҳал этишни жадаллаштириш учун агрохознаи комплексининг ташқи алоқаларини кенгайтириш, унинг моддий-техника базасини мустаҳ-камлаш программасини ишлаб чиқиш тавсия этилди.

СССР халқ депутатлигига номзодлар

ВЕТЕРАНЛАР ТАВСИЯ ҚИЛИШДИ

ТОШКЕНТ шаҳар уруш ва меҳнат ветеранлари Со-ветининг Пленумида СССР халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш масаласи муҳока-ма қилинди. Тошкент об-ласти уруш ва меҳнат ве-теранлари Совети раис-ининг ўринбосари Б. Сиро-жиддинов СССР халқ де-путатлигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги тартиб-қоида-лар ҳусусида гапириб, ре-спублика уруш ва меҳнат ветеранлари Советининг раиси Р. Ғуломов таржиман ҳоли ҳақида ҳам қисқача

тўхталиб ва уни СССР халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш тўғрисидаги тавсияни қўллаб-қувватлашга чақирди.

Шундан сўнг сўзга чиқ-қан барча ветеранлар Р. Ғу-ломов номзодини маъқулла-дилар ва қўллаб-қувватла-дилар. Пленум Р. Ғуломов номзодини СССР халқ де-путатлигига номзод қилиб кўрсатишга қарор қилди.

В. МУҲАМЕДОВ.
партия, уруш ва меҳнат ветерани, Иттифоқ миқёс-даги пенсионер.

ОДАМЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

«ТАШСЕЛЬМАШ» заводи коммунистлари СССР халқ де-путати бўлиши мумкин бўл-ган кишиларнинг бир йўла бир неча номзодини муҳо-кама қилдилар. Улар ораси-да электр пайвандчи Д. А. Атаманов, йўлуви тоқар К. К. Петяшес, тоқар-авто-матчи Ю. И. Степаненко бор.

Уларнинг ҳар бири мамла-кат Совет ҳокимиятининг олий савонига бўлишга мумкин-дир. Лекин, ҳар партия ташкило-ларининг оқибатликларида Ю. И. Степаненко кўпчилик асос олади.

КПСС XXVII съезди деле-гатини корхонада яхши били-шади. У заводида ишлаётга-нига йигирма йил бўлиб қол-ди ва ўзининг ҳалол меҳнати, иккинчи ҳафтада фол қат-нашганлиги сабабли коллек-

тив ҳурматини қозонди. Тош-кент шаҳар халқ депутатла-ри Советининг депутаты си-фатида завод микрорайони-ни ободонлаштиришга кўп иш қилди. Унинг иштирокида болалар мейдончаси, мей-шани хизмат обектлари ку-рилди. Ёшлар мураббийли бўл-ган коммунист бир неча юқори малакали мутахассис-лар таъбиладди.

Партия аъзоси қатнаш-чилари шундай қарор қилдилар: Юрий Иванович Степаненко «Ташсельмаш» заводи пар-тия ташкилотидан СССР халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатилсин. Ҳамза район партия комитетидан бу так-лифни қўллаб-қувватлаш сў-ралсин.

[ЎЗАТ].

«ИШОНАМИЗ, ЭРГАШЕВ ПАНД БЕРМАЙДИ!»

Тошкент тўқимачилик ком-бинатининг бош директори Ботир Қодирович Эргашев Ўзбекистон пойтахтининг 116-миллион-территориал округи-дан СССР халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатилади.

Тошкент тўқимачилари даст-лабки цех йигилликларида корхонадаги энг ҳурматли ик-ки кишини депутат қилиб кўрсатишни таклиф этган эдилар. Йигирма-тўқуз фаб-рикисининг ёш ип ўровчиси Дилбар Қосимова 12 минг кишилик коллектив раҳбари билан ўзига хос конурседа қатнашди. Меҳнат коллекти-вининг умумий йигиллишида ҳақиқий сэйловолди кураши ҳажж олади.

Е. Отабекова: «Мен Д. Қо-симова номзодини қўллаб-қувватлайман, чунки у катта обур-этибиров қозонган, одам-ларга меҳрибон, қийин дам-ларда ҳамма ёрдамлашади. Цехнинг партия группа таш-килотчиси сифатида бизнинг ҳуқуқларимизни ҳимоя қила олади», бу фикри А. Нуркае-ва, В. Минирова, комбинат-нинг бошқа ишчилари қўл-лаб-қувватладилар.

Коллектив аъзолари ўз меҳ-нат фаолиятини Тошкентдаги трикотаж фирмаларидан би-рида слесарликдан бошла-

ган ва республикадаги энг катта тўқимачилик санаети корхонасининг бош директо-ри даражасига ўсиб етиш-ган ўз раҳбари ҳақида кўп-гина яхши сўзлар айтишди.

— Мен ҳаммиса ва барча по-гонларда меҳнаткашларнинг ҳуқуқларини актив ҳимоя қилишга интиламан, — деди Д. М. Қосимова. — Қайта ку-риш даврида бу ишни қилиш аввалги турғунлик йилларига қараганда осонроқ кўчади. Бироқ, ҳар ҳолда ишлар осон бўлмайди, экономика, фан ва маданиятнинг барча тармоқ-ларида чуқур билимларни, шахсий мардликни талаб қи-лади. Мен мана шундай иш қилишга тайёрым.

— Бўлсини халқ депутати олинди жуда катта вазибалар турибди, — деди комбинат бош директори Б. Қ. Эргашев ўзининг программасини нутқида. — Агар мени СССР халқ депутати қилиб сайласа-лар, шу ишонччи оқлашга ҳа-ракат қиламан. Республикда-ги мураккаб социал-миллий муаммоларни ҳал этишда ёр-дам бермоқчиман.

Оқиб овозга қўйиш чоғида кўпчилик меҳнатчилар Ботир Қодирович Эргашевни ёқлаб чиқдилар.

[ЎЗАТ мухбири].

ФИКРЕТ СЕФЕРШАЕВНИ КЎРСАТИШДИ

ЧИНОЗ районидаги «Ўз-бекистон ССР 30 йилгига» колхозини меҳнат коллективини йигилишида пахтачилик бри-гадаси бошлиғи Фикрет Сефершаев СССР халқ де-путатлигига номзод қилиб кўрсатилди.

— Уртоқ Сефершаевнинг таништириб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак, де-ди йигилишда сўзга чиқ-қан Я. Аббор Салимбеков.

— Уни ҳамма танийди. 1945 йилдан бери шу колхозда ишлайди. Меҳнат ва икки-моёй фаолияти ҳаммага маълум. СССР Олий Со-ветининг депутати сифатида сайловчиларнинг назарлари-га ҳурмат ва масъулият би-лан ёндашди. Колхознинг икки устасини ташлаш-тиришга, Олмазор темир йўл станциясидан ер ости ўтиш йўлини қуришга қў-маклашди. Агар Фикрет ана ана депутат қилиб сайланса,

колхозимиздаги социал ма-саладари ҳам этишга бун-дан бўён ҳам катта ҳисса қўшаверади, деб ўйлайман.

Сўт-товар фермаси ишчи-си Гулжаҳон Тастанбекова ҳам сўзга чиқиб Ф. Сефершаев номзодини ёқлади.

— Ўйлайманки, унинг ном-зоди депутатларга нисба-тан қўйилган талаблар-га жуда мос бўлиб тушади», — деди у.

Колхоз аъзоси Нуруллат Аблахатов номзоднинг таъ-рифида пахтадор, меҳрибон мураббий эканлиги ҳақида гапирди.

Номзоднинг ўзи ҳам сўз-га чиқиб, ўзига ишонч бил-дирилганлиги учун ҳам-қишлоқлари мионатдор-чилик изҳор этди ва давлат ҳокимияти юқори органида колхоз, район ва областнинг муносиб вакили бўлишга сўз берди.

С. ИСКАНДЕРОВ.

• Чорва қишлови қандай ўтмоқда? •



✦ БУСТОНЛИҚ районидаги Фрунзе номидаги қишлоқ чорвадорлари қишлоқни муваффақиятли ўтказиш учун барча имкониятларни ишга солишмоқдалар. Фермада молбоқарлар ва соғувчилар ўртасида ўзаро

мусобақа авж олдирилган. Бунда Анаор Дуйсқулова (суратда чапда) пешқадамлик қилаётган. У ўтган йили қарамондаги 18 бош сирғиранинг ҳар бирини 3 минг килограммдан маҳсулот олди. Нигмат Тожибо

ев саккиз йилдан буён фермада механизатор бўлиб ишлайди. Қорамолларга ўз вақтида ем-хашак етказиб беради.

В. Портинов фотолари.

МУҲИМИ ОДАМЛАРНИ КИЗИҚТИРА БИЛИШ

ЎТГАН йиллар билан таққослайдиган бўлсак, Ўрта Чирчиқ районидаги Ленин номидаги қишлоқ чорвачилигида бирмунча силжиш бўлганлигини кўриш мумкин. Бунга рақамлар ҳам айтиб турибди: 1987 йилнинг биринчи ноябрида давлатга умумий 470 тонна сўт сотилган. Ўтган йил эса сўтнинг миқдори худди шу муддатга 80 тоннага кўпайди.

Шунинг ҳам айтиш керакки, чорвадорлар ўтган йилда яхши тайёрланган, пландагидан анча кўп озуқа жамғаришган эди. Қўрсаткичларнинг яхши бўлиши, фақат озуқанинг мўл жамғарилишига эмас, албатта, балки, бунда фермада ишчи янгилаш таъминоти, чорвадорларнинг моддий рағбатлантирилиши, инсон омиллиги ҳам катта роль ўйнади. Бу тўғрисида хўжалик партия

ташкilotининг секретари П. Мирзаалиев шундай дейди: — 1987 йили сўт сотиш планини аранг урдадан оғирлаштириб, 1988 йилнинг апрель ойидан фермани оила пудратиди ишловчиларга бердик. Қўшни хўжаликларнинг таъминоти урғандик. Чорвадорларимизни иш юритиш усуллари билан таъминладик. Олдинги йили бўлди. Сабоби фермада 30 га яқин кишини қисқарттирдик, ҳаммаси бўлиб 26 ишловчи қолди. Ўтган йилда йили эвено туздиқ. Иккинчи эвеноми сўтчилик, битта сўтчилик билан шуғулландик. Шу билан бирга қолқозимиз кет системага ўтди. Бу таъбирлар аҳволи тубдан ўзгарибди.

Янги усул биринчи ойда-ноқ ўзининг самарасини бера бошлади. 1987 йилнинг ноябрида қўш бош сирғирдан 71 бузоқ олинган бўлса, 1988 йилда бу рақам

77 тага етди, ҳар бир сирғирдан соғиб олинган сўтнинг миқдори 487 килограммга ошди.

— Пудрат одамини ишга қизиқтириб қўйган, — дейди бурдоқчиликдаги оилавий эвено бошлиғи А. Хўжақулов. — Илгарилари ҳар ойда 5—6 тадан мол ўлиб турарди. Пудратга ўтганимиздан кейин битта бузоқ ўлди, холос. Эвеномиз билан 180 та молни боқамиз. Қўшни молларни пландагидан 100—150 грамм кўп — 500—550 граммдан семиртирляимиз. Пландан ошқ семиртирганимиз учун 40 процент, иккинчи қилинган ем-хашак учун 50 процент қўшнича ҳақ оламиз. Апрель ойидан ҳисобласак хотиним иккаламизнинг умумий даромадимиз 7000 сўм бўлади, яна қолқоздан 1,3 тонна шол олдик.

Таққослаш учун айтиш мумкинки А. Хўжақулов

нинг пудратдан олдинги ойлик иш ҳақи 120 сўм атрофида эди.

Қолқозда озуқа экинлари етиштирилган майдонлар ҳам пудратчи оилаларга бўлиб берилган. Ҳар бир оила етиштирган бир тонна озуқаси учун 10 сўм, пландан ошган учун эса 20 сўмдан олади. Моддий манфаатдорлигининг оширилганлиги ҳосилининг сифати ва саноғига таъсир қилмай қолмади. 1988 йилда қолқозда 163 гектар ердаги беданинг гектаридан 169, сўт учун экинлар макжағхорида 440 центнердан ҳосил олдик.

Яна бир қизиқ факт, қолқозда озуқа етиштирилиши одатда бўладигандек бош агроном эмас, бевосита манфаатдор шахс — бош зоотехник назорат қилиб боради. Қайси майдонлардаги бедани қачон ўриш кераклигини белгилаб, қарор озуқанинг сифати паст,

агротехника талабалари бўлиб бўлса унинг бу камчиликларини тузатишни агрономдан талаб қилишга ҳаққи бор.

Қолқозда ҳозир икки қишлоғи етадиган миқдорда озуқа тўпланиб, пландан 300 тонна кўп дағал хашак жамғарилиб, 204 тонна ортиқ силос бостирилган.

Моллар наслини яхшилаш учун ҳам бир қанча ишлар олиб бориляпти. Белорусиядан келтирилган 150 бош зотли ғўнаини яқин йиллар ичида ҳозир мажбур сирғирларнинг ўрнини эгаллайди.

Ленин номидаги қишлоқ чорвадорлари КПСС Марказий Комитетининг мамлакат агрономат комплексидан коммунистларга, фермаларнинг меҳнатчиларига, барча ҳодимларига қарата эълон қилинган хатига жавобан бу йилнинг ўзидаёқ ҳар бир сирғирдан соғиб олинган сўтнинг 3000 килограммга етказилиши, чорвачиликнинг рентабеллиги соҳага айлантирилиши мўлжаллаб туришмоқда. Ҳозир бунинг учун хўжаликда асос ҳам, имкон ҳам бор.

Р. ХУДОЕВОВ.

Ҳар бинода ҳиссамиз бор

— Ангренда коллективизмга ўлиш қўшмаган объектлар деярли йўқ десам, муболага қилмаган бўламан. Колоннамиз механизаторлари қўмир разрезини реконструкциясида ҳам, картон фабрикаси қурилишида ҳам, уй-ойларнинг бунёд этишида ҳам қатнашмишмоқда. Ўлар зиммаларидаги вазифаларни доим қўйилгандек бажармоқдалар. Бу билан буржумачиларнинг ишончини қозонишайти.

Ўтган хўжалик йилидаги ишимиз янқулар ҳам бунга далил бўла олади. Салкам беш миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини барвақт урдадидик. Қўшимча юз минг сўмликдан ошмиш бажарилиди. Бунда янгилаш ишларининг роли катта бўлганлигини айтиб ўтмоқчиман.

Бинокорларимиз ўн иккинчи беш йилликнинг учинчи йилидан бошлаб коллектив пудратни қўлай бошлади. Бўлималарнинг муштарилиги кўцайди, уларнинг таъабубкорлиги кенгайди, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизоми мустаҳкамланди. Маъмурий-бошқарув аппарати ҳодимлари қисқарди, дангаси, ишқамас шахслардан ҳалос бўлиди. Ишчи-хизматчилар сонга қамайган бўлса ҳам нисбатан кўпроқ ҳажмдаги қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди.

Бу йилги режаларимиз ҳам анча катта. Коллективизмнинг бошқа жойларда қурилишларга ҳам ҳисса қўшилиши керак. Қўшмадан, Самарқанд химия заводи, реконструкциясида иштирок этамиз. Шунга яраша колоннаизмнинг моддий-техника базасини кенгайтираман. Умуман бу йил ҳам билан беш миллион сўмлик бунёдкорлик ишларини амалга оширамиз.

Жамол ТУРАЕВ, «Ўзғойтехмашини» трестининг Ангрендаги 3-механизациялашган кўча колоннаси прораби.

ХАЛҚАРО АҲВОЛ

ЧЕТ ЭЛ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ «ЙИЛНИНГ ЭНГ МАШХУР ОДАМИ» ҲАҚИДА

✦ ЖАМОАТЧИЛИК фикрини қўй марта сўраб биланлар, чет эл оммавий ахборот воситаларининг сўсий таҳлиллари ва баҳола-рида М. С. Горбачев 1988 йилнинг энг машхур ода-ми» деб эътироф этилди. Югославиянинг ТАНЮГ агентлиги, масалан, ўзининг чет эллардаги мухбирлари, жаҳондаги энг катта агент-ликларнинг хабарларига асосланиб шундай хулосага келди. «Агар Арманистонда ҳалокати зилзила бўлма-ганида, 1988 йили яхши хабарлар йили, уруш ва ку-риш тўғрисида эмас, тинч-лик ва технология тўғриси-да кўпроқ гапирилган йил, деб аташ мумкин бўлур эди, — деб таъкидлайди агент-лик. — Бироқ иккинчи жа-ҳон урушидан кейинги би-ранда ҳам йил 1988 йил-дек илҳомбахш йил бўл-маган эди. Қуролсизланиш ва кескинликни юмшатиш-нинг барқарорлаштириш бора-ётганлиги бу йилнинг ўзига хос хусусияти бўлди».

«Банди-нақти билан қай-сибир йил тарихга муҳим давра билан боғлиқ бўлиб қира-ди, — деб ёзади Англияда чиқадиган «Индипендент» па-тесасининг шарҳловчиси П. Жениннс. — 1988 йил та-рихга шонли йил, Горбачев йили, Совет Иттифоқида ва коммунистлар дунёсида му-ҳим воқеалар йили, «сўғуқ уруш» даври тугаганлигини бошлаб берган йил бўлиб та-рихга кириши мумкин. Бу йил голлар ракеталарга қа-ранда қучкорлик эканлиги кўрсатган йил бўлди, 1988 йил «совет хавфи» бундан буён хатарли, деб ҳисобланмайдиган палла (агар бундай паллани вақт билан белгилаш мумкин бўл-са) бўлиши мумкин.

ҚОНУН КУЧГА КИРДИ

✦ ПРАГА. Чехословакияда чет эл капитални иштирокида қўшма корхоналар тузиш тўғрисидаги қонун шу йил би-ринчи январдан қучи қирди, бу қўшмакорликнинг ўзига хос жиҳати шундаки, эндиликда қонунга мувофиқ чет эллик шериклар қўшадиган ҳиссани чеклаш бекоҳ қилинади.

Шу муносабат билан ЧТК агентлиги бундай корхоналар барпо этиш учун машинасоз-лик, химия ва туризм соҳа-лари кўпроқ имкониятга эга эканлиги ҳақида ёзади. Ҳозир

ЧССРда ана шу турдаги тўққизта корхона ишлаб ту-рибди. Уларнинг орасида Голландиянинг «Филипс» фир-маси билан ҳамкорлик қилаёт-ган «Авекс» акционерлик жа-мияти бор. У ўтган йили 30 мингта видеомагнитофон иш-лаб чиқарди. Бу йил яна 70 мингта тайёрлаш белгилан-ган. Декабрь ойининг бош-ларида «Аутотур» Чехосла-вия — Франция фирмаси ту-зилди. Бу фирма 1991 йил-нинг охиригача Прагада 500 ўрнлик қулай меҳмонхона ку-ради.

ХХРНИНГ МАЪМУРИЙ БЎЛИНИШИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

✦ ПЕКИН. (ТАСС). Хитойда хўжалик системасини илҳос қилиш ва сўсий системани қайта қуришни янда ревижи-лантириш манфатларини кўза-габ, 1988 йилда мамлакат маъ-мурий бўлинишига ўзгариш-лар киритилган эди.

Янги Хайнань вилояти та-сис этилиб, 53 та янги шаҳар ва иккита янги округ тўла-статусга эга бўлди, 8 та уезд шаҳари округ шаҳарларига ай-лантилди. Шу тариха ХХР-

нинг марказга бўйсунувчи вилоятлари, автоном райо-нлари ва шаҳарларининг сон-и 31 тага етди. Хитойда 151 та округ, 1936 та уезд, 431 та ша-ҳар бор. «Жэньминь жибао» газетасининг ёзишича, Хи-тоининг маъмурий бўлини-шига киритилган ўзгариш-лар ҳозирнинг ўзидаёқ бош-қарув ва хўжалик ишлари са-марадорлигини ошириш им-конини берди.

ИТАЛИЯДАГИ ИШСИЗЛАР

✦ РИМ. (ТАСС). Ҳаёт бой маданни аёнлаларга эга бўлган мамлакат — Италияда шу пайтгача 1 миллион 608 минг аҳоли имзо ўрнига бел-ги қўйилмади. Мамлакатнинг иқтисодий ва социал жиҳат-дан қолқоз бўлган жанубида яна районларида саводсизлик ай-

ниқса юқори даражададир: бу ерда ўқиб ва ёзишни бил-майдиган кишилар шимолда яшайдиганларга қараганда ол-ти баравар кўпроқ.

Марказий статистика инсти-туту аниқлави ривидида ай-рейдагидан ҳафтонада яна шу маълумотлар келтирилган.

ФОЖИА САБАБЛАРИ ТЕКШИРИЛМОҚДА

✦ НЬО-ЙОРК. Миннесота штатидаги Ремер деган ша-ҳарда 1 январь куни эрта тонда икки қаватли 8 оқ уйда ватенин чиқиши натижасида 10 киши, шу жумладан 8 бола ҳа-лоқ бўлди. Дастлабки маълу-

мотларга қараганда, печка-даги гиламга ўқиб тушиби-нинг қиқишига сабаб бўл-ган. Ут шу қадар тез тар-қалдики, ҳеч ким уйдан қа-дди қалмади. Фожиа сабаблари текширилмоқда.

ЭНГ КАТТА МУАММО

✦ ЛУСАКА. Миллат Бир-лигини мустақамлаш Замбия раҳбарияти белгиланган барча иқтисодий ва социал програм-малар муваффақиятли бажари-лишининг гарови ва сўсий бажариларининг неғи-тидир, деди Замбия прези-денти Кеннет Каунда Касаба-Бей деган жойда сўзлаган ва-қтда. Қашқоқлик ёки аҳоли кенг қатламларининг кам таъ-минлишини мамлакатимизда-ги энг катта муаммолардан

бири бўлиб қолмоқда, деди у. Республика раҳбарияти бу муаммони ҳал қилишни би-ринчи навбатдаги вазифа, де-ди Кеннет Каунда. Президент замбияликларнинг беданининг ранги, дини ёки этникоддан қатъий назар Ер юзидида бар-ча халқлар билан дўст бўлиш ва ҳамкорлик қилишга даъват этди.

(ТАСС, 2 январь).

ҚИДИРУВ ДАВОМ ЭТМОҚДА

✦ БРАЗИЛИЯ. Фожиали во-қеа — Рио-де-Жанейродаги ян-ги йил байрамга рехна сол-ди. Янги йил киришига 15 минут қолганида мушакбоз-лиқни томоша қилиш учун океанга чиққан ва иккита 130 киши тушган чорроққина сайр кемаси тўғрилиб кетди, бу ҳо-диси Гуанабара кўрғазига со-дир бўлди. Дастлабки маълу-мотларга қараганда, турист-ларнинг яримдан кўпроғи

ҳалок бўлган. Ахборот агент-ликларининг хабар бериши-ча, 1 январь оқшомига қадар қутқарувчилар 50 одамнинг жасадини топдилар, қидирув ишлари давом этмоқда. Тер-гов органларининг хулоса-сига қараганда, кемга кўп одам тушган учун у ёғдири-либ кетган. Пароходда Рио-де-Жанейро фуқароларидан та-шқари кўпгина чет эллик турист-лар ҳам бор эди.

БИТИМ ЯНА БУЗИЛДИ

✦ БАЙРУТ. Байрутининг жа-нубий чеккасидаги Шиях ра-йонида ўт очиниш тўхтатиш тўғрисида эришилган битим ана бузилди. Ливандаги ши-а мазҳаби мусулмонларининг «Амал» ҳаракати ва эронла-раст «Хизболлох» ташиқоти-нинг бир-бирига душман

бўлган гуруҳлари уй-жой қаватларидаги бир-бирла-рининг позицияларига мино-метлар, тўплардан ўқ узи-моқ-да, шунингдек ракета-лар отмоқдалар. Шаҳар қасал-хоналари ярадорлар келиб ту-рибди.

(ТАСС, 2 январь).

700412 СЎЎТИГА

УМИДНИНГ УЧ СЎМИ

Зилзила оқибатида катта зарар қўрган қардош Ар-манистон халқига ердан кўрсатиш бўйича штаб рай-он партия комитети бино-сида, иккинчи қаватда жой-лашган. Паркентлик ёш-қари бу ерни яхши билиш-ди. Биз мажбур штаб аъзо-си, район партия комитети ташкилий ишлар бўлими мудирининг ўринбосари Ва-ҳодир Миращуровдан қар-дош халққа қандай кўмак кўрсатиладигани ҳақида сўраймиз.

Мени бир воқеа ҳая-жонлантирди. Табиий офат қоз берган қунарлар эди. Паркентдаги агрономат Давлат банкига 8 ёшлардаги бир қизча кириб кетди. Қўлдан уч сўм пул. Сўнги товуш билан шу уч сўмин. Ар-манистонда ердан фондига ў-казмоқчи эканлигини бил-дирди. Мингтаб километр наридаги, деғиз чўллари, боғлар ортисида узоқ қиш-лоқдаги жанжи қиз қалби-шунга амр қилибди. Ахир унга ҳеч ким ўргатмаган. Бу, интернационализм руҳи,

дўстлик ифодаси эмасми! Бу қиз 2-синф ўқувчиси Умида Ғаниева эди. Ундан кейин Кошф Мамедов деган одам иккинчи бўлиб шахсий жамғармасидан 25 сўм ўт-казди. У одамнинг қаерда ишлаши ёзилмаган. Мухими бу эмас, муҳими қалб амри. Рўйхатни давом эттиравериш мумкин. Биринчилар ҳақида гап кетганда 27-мактаб Ил-мий мудир Чиннигул Ро-зиеваннинг исм-фамилиясини эслаб ўтиш ўринлидир. У бир ойлик машина 700412-сўчига ўтказган.

Ҳамсухбатимиз катта даф-тария варақлардан, қатор рақамларни бирин-кетин ба-зилаб ёзди. Арманистонда ердан фондига «Паркент» совхоз 5000 сўм, «Про-гресс» совхоз 2500 сўм, 23-хўжалик хисобиди авто-корхона 2000 сўм, Паркент-тикувчилик фабрикаси 1600 сўм, район марказий ши-фохона 500 сўмдан кўпроқ, район маълумот жамияти салкам 1000 сўм пулни кў-мак фондига ўтказдилар. Райондаги барча хўжалик-

лар бир кунлик иш ҳақла-рини қардош халқ учун аж-ратдилар. Жойларда санба-ликлар уюштирилиб, туш-ган маблар узуқисиз 700412 сўчига ўтказилди. Қўллаб кийим-кечаклар дўстлар юр-тига юборилди. Қўллаб одамлар зилзиладан бош-панасиз қолган оилаларни қабул қилишга таёёр экан-ликларини билдириб муро-жаат этиляпти.

Ушша машғуво воқеа юз берган дастлабки қўнларда район партия комитетининг бюроси ўтказилган ва жа-моатчилик билан масахат-лашилди, райондаги икки дам олмиш уй ва автобус-таксимотор парк профил-ляторийсидан 560 кишини қабул қилиб олиш учун жой-хўраилди. Тегилли таш-килотлар уларга медицина, маиший, моддий хизмат кўрсатиш бўйича лозим тай-ёрлар ишларини қўриб қўйишган.

— Кўпгина ёшлар моддий ердан билан чегараланмай бевосита зилзила юз берган жойга бориб елкама-елка туриб, оғир қунарлар бира бўлиш, ишлаш истагини билдирмоқдалар — дейди район комсомол комитети-нинг иккинчи секретари Маҳмадқон Иброҳимов. — Кўнгилиларни ҳозирча рўй-хатга олмақдамиз. «Паркент-водострой» трести 1-механи-зациялашган колоннаиздан Ўринбой Ортиқов, Виктор Погорелов, Юрий Сухов каби экскаваторчилар жўнаб кетишди.

Район меҳнатқашлар қардош халққа қўлдан кел-ганча кўмак бермоқдалар. Ҳар кун ердан фондига маблаглар келиб тушмоқда.

В. ПУЛАНОВ.

ҲАММАНИНГ НИЯТИ БИР

Табиий офатдан зарар қўрган қардош Ар-манистон меҳнатқашларига ердан кўрсатиш бўйича С. Раҳимов район Совети иккита коми-тети ҳузурида ташкил этил-ган штаб телефон кун бўйи киришляпти. Бу ерга таш-риф бурувчиларининг ҳам кети узиляпти. Ҳамманинги ни-яти бир — арман қар-дошларга қўлдан келганча кўмак бериш, оғир мусба-ти кунларда дардларига мал-ҳам бўлиш.

Стол устидаги папкада кор-хона, муассаса, турли таш-килотлар коллективлари то-монидан кўрсатиладиган ер-дам ас-этан. Масалан «Миконд» заводи 100 минг, «Ташкент-мрамор» ишлаб-чиқариш бирлашмаси 15

минг, 3-ўйсузлик комбинати, чинни заводи 10 минг сўм-дан, «Мебельбит» ишлаб-чиқариш бирлашмаси ва та-ра ремонт заводи 4 минг сўмдан пул ўтказилибди. «Компрессор» ва Тошкент экскаватор ремонт таъри-ба-механика заводлари ер-дам фондига 10 минг сўм-дан пул ўтказиш билан бир қаторда 100 та компрессор, 20 та уйвагонни қардош халққа жўнатилди.

Агрегат заводи коллекти-ви эса 700412 сўчига 3 минг сўм ўтказгандан ташқари салкам 4 минг сўмлик ки-йим-кечак ва бошқа буюм-ларни юборди.

Райондаги маҳаллаларда яшовчи аҳоли 11 минг сўм пул тўплади. 36, 233-мак-

таб талабалари бўла талай ўқув қуролларини тендош-ларига арумоғон этишди.

Район бўйича 170 минг сўмдан кўп пул тўпладилар, арманистонлик биродарла-га юборилди.

Қўллаб мутахассислар штабга мурожаат этиб, зил-зиладан талафот қўрган районларга бориб, ердан бе-риш хохини баён этмоқ-далар. Кейинги кунларда «Геологоразведка» Тош-кент экскаватор заводида-н унга яқин турли насб эта-лари Арманистонга жўнаб кет-дилар.

Юзга яқин одам қон топ-ширди. 400 дан кўп киши ота-онасиз қолган болаларни ўз оилаларига олиб тарбия қилишга таёёр эканликлари-ни билдирдилар.

В. СОЛИХОВ.

СЕВАННИ СЕВГАН ШОИР

Усмон Носир — интерна-ционалист шоир эди. У рус шеър-инининг улуғ наомиядалари Пушкин ва Лермонтов асар-ларини эфр эхтирос билан ўр-ганди. «Восхвасовой» фонтани-ни ва «Демон» асостонини эфр эхтирос билан таржима қилди. Бундан ташқари, у ўз асарларида Советлар дийри-ниг ҳар бир ўлкасини завқ билан қўйлади.

Усмон Носир 1934 йилда Арманистон дийри бўйлаб қил-ган сафаридан катта илҳом олиб қайтган эди. Шу қунар-да зилзила оқибатларини тугатиш учун катта кураш бо-равган ўлқани у ўша вақт-да чексиз меҳр-муҳаббат билан ўрганган эди. Уша йил-нинг август ойида Ереванда «Хайр, Севан» шеърини ёз-ди. Зилзиладан қаттиқ қи-скастланган Спитак, Ленина-кан, Кировакан шаҳарларига ўзининг зиллоқ суварли на-фасини пурақаб турган Се-ван қўли уш киргоғида ўз-бек шоирини эрқалаган, унга илҳом берган эди. Шоир шеърда бундай деб ёзади:

Сен билан ширинди — Шакарди ҳар бир он. Найлайки, бу хижрон Киприкка илдинди? Алвидо, жармар суз, Алвидо, киргоқлар! Саурадан оппоқлар! Суварларга тўш қўйган Кенг осмон, алвидо! Туларга нақш ўйган Ой макон, алвидо!

Пойтахт областининг Пис-кент районидаги «Гулистон» ва

Калинин номида қолқозларнинг меҳнатқашлари иштирокида ўтказилган Усмон Носир хо-тирасига бағишланган хайрия адабий кечасида шоирнинг арман дийрига сафарни ҳақи-да ҳам гапирди.

Ўзбекистон Маданият фон-ди ва Ўзбекистон союзи билан ҳамкорликда ташкил этилган бу тадбирнинг асосий моҳияти репрессия йилларида бету-ноқ қурбон бўлган кишилар-нинг номларини эслаш, ҳо-зири завоқ кишиларини уларнинг ижоди ва амалга оширган ишлари билан та-лиштириш бўлди.

Хайрия кечасида «Гулис-тон» қолқоз партия ташкило-тининг секретари Эргаш Аб-дуллаев, ёзувчи ва журналист Махмуд Самодов, шоирнинг синглиси Инобат ва Носирова, шоир ва олим Насрулло Дав-диди Нам Қаримов, му-волилардан Рауф Парфи, Му-ҳаммад Юсуф, Севера Ве-фок, таникли хонанда Ко-милжон Баратов Усмон Носир ижодининг тарбиявий аҳа-мияти, у ҳақидаги хотирла-рини гапирдилар, инсон қал-бининг куйиқиси асарларини ўқидилар. Шоир шеърлари асосида яратилган қўшиқлар икром этилди.

Репрессия йилларида қур-бон бўлган республикамиз-нинг таниқли партия ва дав-лат арбобларидан Бир Сул-тон Сегизбоев ҳақидаги хо-тираларини тинглаш ҳам ма-роқли бўлди. Бу ҳақда гапир-ган унинг жияни, техника фанлари доктори Эрбўта Фай-



НАЗМ ДАФТАРИДАН

ЯНГИ ЙИЛДАГИ
ЎЙЛАР

Ҳадемай тонг отади, қўшга юзни буриб,
Ҳар бир кўрган кўнига шукрона айтган халқим,
Янги истиқболнинг юзма-юз, пешвоз туриб,
Бахтинг орау этарак айладим шеърин талқин.

Минг йиллик ўзанидан нарига тушган дарё
Ўйлади не жонот бор — сулуриб ўтгай фақат.
Сен-чи, қирғоғин бузган қандай дарёсан, Дунё,
Эзуликка ёрмасан ва ёки ниятнинг бад?

Жаҳоний қуруқликни ўраб ёттипти-ку суз,
Не-не буюк нахрлар оқмоқда тўлиб-тўлиб,
Томчи меҳрга илҳақ замин юзюда, ёху,
Не-не қалб саҳролари ҳансираб беҳол бўлиб.

Она ўз дилбандидан кечиб туриб беафқат,
Ўзига шират ўтга отган билан мисли хас,
Она халқим, бағринда тошган ганжи оқибат
Камайиб қолмас ҳаргиз, ҳеч вақт нотугал бўлмас.

Қай бир юзо касларнинг ўт тушиб имонига
Оламни ютмон бўлса биргина нафис учу,
Қай гуноҳин ювгани қасдлар қилиб жонига,
Завол алағасида ҳур қизлар ёнар нечун?

Пир муршидин халқим, Луқмонсан ўзинг азал,
Сен илож тополмаган дарди бедаво йўқдир.
Оғир ўйларга толдинг не бонсдан бу маҳал,
Гарчи хандон даврада қўшқилар қувноқ, шўхдир.

«О, болам-а, о болам, оҳсанг ҳамки эллиқдан
Ғаминин билмайсан-а, тилдаги болим қани?
Мен буқун чапак чалиб қидираман кенглиқдан —
Чопган аргумоқ отим — олтин Оролим қани?»

Ғубор инган ҳаводан маъюсгина келди кас,
Гарчи байрам оқшоми дил шодликка рубару.
Бу — сенинг номинг эди менинг оҳинга пайваст,
Армонинг эди сенинг, изтиробинг эди бу.

Тўй тўйдан ўтсин деган сенинг-ку тилагинг оқ,
Янги йил кирайир не бўлса ҳам ҳар қалай.
Ногораю карнайлар наъра тортса тумтароқ,
Чолғуларо ўйчан керакдир биргина-най.

Бир найчалик билгайсан қалбим садосин, халқим,
Даврон нағмаларида гарчи соз кўи шиддиктор.
Муҳаббат мақомига тебраниш чоғида жинг,
Эҳ, қанча азизларим ҳайлдан ўтар қатор.

Халқ деганда мен аввал ўшаларин ўйлайман,
Дастурхоним бир умр қўрмаган ҳаром неъмат.
Ўша боғли, чирғоли гушаларин ўйлайман,
Дарёдил ҳам ўшалар, саҳоватли, беминнат.

Марғилоннинг боғида закилар бўлдим жам —
Демакки, Ўзбекистон тўй бошлар довуғли, шан.
Имон ҳаққи, Ватаним севмоқ эрур муқаррам,
Манлайдаги қўшим, бошдаги тожик — Ватан.

Ихлосинг беадоғдир, халқим, мард салафларга,
Фахр этгани дил-дилдан ҳақнинг бор ушбу нафас.
Не-не навиқроларнинг қўшилмоқда сафларга,
Залваридан ер титра — қадами гурус-гурус.

Яхшиликнинг минбари — омон бўлсин қўнға Шох,
Пок зотлар назаридан шараф тошган маконим.
Бош узар ҳар субҳидан жамол кўргизса қўш,
Яшна неқларга жўйган сен ҳам эй, хонадоним.

Гўдак жолларин алқаб, ногаҳон, дабдурустдан
Офат босмасин, дея қалб безовта гулурар.
Қўлимга қалам тутиб набирар Мирза Рустам
Эвазига бобилик меҳринин сураб турар.

Чаманга булбулга баробар меҳр даркор,
Меҳр керакдир бизни манзилга элган отга.
Меҳр берсак ариқча — жилдирган ишвакор,
Сувданин сероб бўлиб биз етгайиз муродга.

Сен ҳам, халқим, азалдан офтоб атаб меҳрини,
Кун бўлиб Алишернинг қалбига зиф соқинг.
Жонингда асраб ўша ҳазрат битган Шеърини,
Рухлар ҳаритасида не-не кинот очинг...

Тун ҳам ўтиб боради, изларин ўпандиди қор
Сўзларнинг қадамига қўқини тўтди қороз.
Мен ҳам янги тонг билан сенга этгани изҳор
Безовта шу қалбимдан меҳр тиладим, холос.

Анвар ИСРОИЛОВ.



Қорбобо биз билан.

Р. Альбеков фототўди.

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

* * *

РЕКЛАМА ВА
ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон театр арбоблари союзи

М. Қориевнинг номидagi Ўзбек давлат филармонияси

«ЎЗБЕККОНОТИ» БИРЛАШМАСИ

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ

ДУСТИЛИГИ САРОИДА

4 ЯНВАРЬ СОАТ 19.00 ДА

ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТ
УСТАЛАРИ ИШТИРОКИДА

КАТТА КОНЦЕРТ

КАТНАШАДИЛАР:

«ШОДЛИК», «ЛАЗИГ», «ЗАРАФШОН», ашула ва рақс ансамбллари;

Ўзбекистон ССР халқ артистлари: Малика АХМЕДОВА, Қизилхон ДУСТМУХАММедОВА, Дилафруз ЖАББОРОВА, Ғуломжон ЕҒУБОВ;

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Ортин ОТАЖОНОВ, Рушана СУЛТОНОВА, Нуриддин ХАЙДАРОВ, Аҳмаджон ШУКУРОВ.

Республика мақомчилар конкурсининг лауреати Раҳматжон ҚУРБОНОВ.

Концертдан тушган маблағ табиий офатдан зарар кўрган Арманистон халқига ёрдам бериш фондига ўтказилади.

Билетлар соат 14.00 дан сотилмоқда.

Тошкент область кинофильмлар
прокати идорасиМАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ҚИШКИ КАНИКУЛ
КУНЛАРИДА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИНИНГ ШАҲАР
ВА РАЙОНЛАРИДА БУТУНИТТИФОҚ«ЭРТАК»
КИНОФЕСТИВАЛИНИ
ЎТКАЗАДИ

Янгиўл шаҳри, «ПОВЕДА» кинотеатрида

3-4 январда — Маугли.
5-6 январда — Петя-Петушок ғойиб бўлди.
7-8 январда — Бомпан ва тўтиқуш.
9 январда — Даргазоб мушук Васяка.
10 январда — Хўтиқча зерикшидан қандай касал бўлиб қолди?

Чирчиқ шаҳри, «НАВОИЙ» кинотеатрида

3 январда — Букри тойчоқ.
4 январда — Маугли.
5 январда — Золушка.
6 январда — Оловранг пуфак.
9 январда — Мю, менинг Мюим.
10 январда — Қора товўқ ёки ер ости фуқаролари.

Ғазалкент шаҳри, «БЎСТОН» кинотеатрида

3 январда — Томошабинлар севган одам.
4 январда — Бу ерда сени жаннат қаршилайди.
5 январда — Олов ва мис қарнайлар.
6 январда — Ўша кўз илғамас сўқмоқларда.
7 январда — Олтин антилопа.
8 январда — Жаҳоқдилар ороли.
9 январда — Лайлакнинг этикчалари.
10 январда — Илья Муромец.

Олмалиқ шаҳри, «ЎЗБЕКИСТОН» кинотеатрида

3 январда — Етти умид қаламаги.
4-5 январда — Ола.
6-7 январда — Ўша кўз илғамас сўқмоқларда.
8 январда — Айболит-66.
9-10 январда — Тирпатиков ва айнқча Янги йилни қандай кутиб олишди.

Ангрен шаҳри, «ДРУЖБА» кинотеатрида

3 январда — Ўша кўз илғамас сўқмоқларда.
4 январда — Жуда қўрқинчли тарих.
5 январда — Ой аҳолисининг сирин.
6-7 январда — Ўн икки ой.
8 январда — Пингвин Лолонинг саргузаштлари.
10 январда — Қўм соатлари.

Янгибод шаҳри, «РАДУГА» кинотеатрида

3 январда — Айболит-66.
4 январда — Даргазоб мушук Васяка.
5 январда — Ғаройиботлар мамлакатига парвоз.
6 январда — Кичкина.
7 январда — Садко.
8 январда — Жиблажибон армияси жангда.
9 январда — Шахризодадин сўғти кечаси.
10 январда — Гералк Адмет ҳузурида.

Нарманов шаҳри, «БОКУ» кинотеатрида

3-4 январда — Нўхотдаги маллика.
5-6 январда — Жасур темирчи қақда эртан.
7-8 январда — Улкан худбин.

Тўйепа шаҳри, «ВЛКСМ 40 ЙИЛИГИ» кинотеатрида

3-4 январда — Муз назира.
5 январда — Шавкатли рицар Айвенго қақда баллада.
6-7 январда — Мария Мирабелла.
8 январда — Қўзғонилар ёмғир.
9-10 январда — Сехтар ОХ ва АХ.

Қибрай посёлкаси, «СОЮЗ» кинотеатрида

3-4 январда — Еттоволон солдатчалар.
5-6 январда — Ўшак териси.
7 январда — Балиқ тури.
8-9 январда — Қўк кўз.
10 январда — Цирк чироқлари.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

(«ХАДРА» майдони)

Тошкент шаҳри ва Тошкент областида яшовчи кўп содди томошабинларнинг илтимосларига биноан

«ЦИРКА АРЧА»

қўшимча чиқишлар ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ:
11 январда — соат 11, 14, 17.00 да;
14 январда — соат 16, 18.00 да;
15 январда — соат 10, 12, 15, 18.00 да.

КИМ НИМАНИ
ХУШ КЎРАДИ?

«АГАР кучли ва чаққон бўлишни истасангиз, тунлари кўзим равшан кўрсин ва юз йил умр кўрай десангиз — тимсоҳ гўшти истеъмол қилинг» — дейишмоқда Кенжада жойлашган мана шу судралиб юрғичларини кўпайтирдиган питомник ходимлари. Кўпчилик ширин таомлар шинавандаларнинг таъкидлашларига, тимсоҳ гўшти парранда гўштининг мазасини берар экан. Бу мамлакат ресторо-ларда қовурилган тимсоҳ гўшти фирма таомларидан ҳисобланади.

«ЯҚИН вақтлардан берн аргентиналик фермерлар қайман (тимсоҳнинг бир тури)ларини кўпайтириш билан шуғулланишмоқда. Айни-ларича, бу судралиб юрғичлар таъкидлаш кўра мол гўшtidан бир-мунча устун тура экан. Шунингдек, унда хо-лестерин моддаси мутлоқо йўқ экан.

«БИРМА пойтахти Рангун бозорларида энг суюкли таом сифатида... илонларни хуш кўришди. Уларнинг гўштининг бирмилликар юқор-и баҳолашди. Яқин вақтлардан берн савдо-да хонаки кўпайтирил-ган илонлар ва илон маҳсулотлари ҳам соти-ла бошлади. Китоб ма-газинларида эса бу да-роматли иш билан шу-гулланганлар учун махсус китобчалар чи-кари бошланди.

«АКУЛА гўшини Озод-лик оролдигларнинг энг суюкли таоми ҳис-обланади. Уни иста-ганингизга кўра янги-син ёки музлатилган, қу-ритилган ва тузланган

Бу — қизиқ

Бу — қизиқ

Бу — қизиқ

Бу — қизиқ

Бу — қизиқ

Бу — қизиқ

Бу — қизиқ

Бу — қизиқ

Бу — қизиқ

Бу — қизиқ

Бу — қизиқ

Бу — қизиқ

Бу — қизиқ

Бу — қизиқ

Бу — қизиқ

Бу — қизиқ

Бу — қизиқ

Бу — қизиқ

Бу — қизиқ

Бу — қизиқ

Бу — қизиқ

Бу — қизиқ

Бу — қизиқ

Бу — қизиқ

Бу — қизиқ

Бу — қизиқ

ҳолда харид қилиш мум-кин. Бу ғайриоддий, аҳо-лий маҳсулот зўр му-ваффақият билан Осиё мамлакатларига ҳам экспорт қилинмоқда.

«МАЛАЙЗИЯ рес-торанларида турли ян-гилликлар қаторида — қарға қабоб, қарға аччиқ-чўчүк қайласи билан, деган таом номларига ҳам дуч кел-сиз. Ишбилармон одамларнинг ишонти-ришича, бу қўшнинг гўшти безарар экан ва ўзининг тотимлигига кўра, жўжа гўшtidан устун тура эмиш. Агар процент ҳисобида оли-надиган бўлса, қарға гўшtidа протеин мод-даси жўжанингкига нис-батан анчагина мўл экан.

«МЕКСИКАЛИКЛА-РИНГ энг нафис таом-лари ҳақида гапирадиг-ан бўлсак, бу уринда «эскамолес» икраси ҳа-қида жиндай тушунича бериш лозим бўлади. Бу таом қора чумоли-ларнинг эндиғина ту-хумдан чиққан куртлар-дан тайёрланади. Негаки, фақат ана шу чумолиларгина каткус-гули шираси билан озик-ланади. Лаззатли таом шинавандаларнинг таъ-кидлашларига, пиз, туз, сармисок пиз ва мурча билан созланган чумоли куртдан тай-ёрланган иссиқ суюқ овқат ўрмон ёнгоғи ма-засини берар эканш. Лазиз таом нақ оғиз-да эриб кетар экан. Бу-нақа таомларини хар-када учратавормай-сиз. Фақат санюкли рестороанлардагина тай-ёрланадиган бу ғаройиб таомнинг бир кичилик бўлган 10—15 доллар атрофида тура экан.

«БУЛАК гўшини Озод-лик оролдигларнинг энг суюкли таоми ҳис-обланади. Уни иста-ганингизга кўра янги-син ёки музлатилган, қу-ритилган ва тузланган

«БУЛАК гўшини Озод-лик оролдигларнинг энг суюкли таоми ҳис-обланади. Уни иста-ганингизга кўра янги-син ёки музлатилган, қу-ритилган ва тузланган

«БУЛАК гўшини Озод-лик оролдигларнинг энг суюкли таоми ҳис-обланади. Уни иста-ганингизга кўра янги-син ёки музлатилган, қу-ритилган ва тузланган

«БУЛАК гўшини Озод-лик оролдигларнинг энг суюкли таоми ҳис-обланади. Уни иста-ганингизга кўра янги-син ёки музлатилган, қу-ритилган ва тузланган

«БУЛАК гўшини Озод-лик оролдигларнинг энг суюкли таоми ҳис-обланади. Уни иста-ганингизга кўра янги-син ёки музлатилган, қу-ритилган ва тузланган

«БУЛАК гўшини Озод-лик оролдигларнинг энг суюкли таоми ҳис-обланади. Уни иста-ганингизга кўра янги-син ёки музлатилган, қу-ритилган ва тузланган

«БУЛАК гўшини Озод-лик оролдигларнинг энг суюкли таоми ҳис-обланади. Уни иста-ганингизга кўра янги-син ёки музлатилган, қу-ритилган ва тузланган

«БУЛАК гўшини Озод-лик оролдигларнинг энг суюкли таоми ҳис-обланади. Уни иста-ганингизга кўра янги-син ёки музлатилган, қу-ритилган ва тузланган

«БУЛАК гўшини Озод-лик оролдигларнинг энг суюкли таоми ҳис-обланади. Уни иста-ганингизга кўра янги-син ёки музлатилган, қу-ритилган ва тузланган

«БУЛАК гўшини Озод-лик оролдигларнинг энг суюкли таоми ҳис-обланади. Уни иста-ганингизга кўра янги-син ёки музлатилган, қу-ритилган ва тузланган

«БУЛАК гўшини Озод-лик оролдигларнинг энг суюкли таоми ҳис-обланади. Уни иста-ганингизга кўра янги-син ёки музлатилган, қу-